

2024-yil
7-dekabr
shanba
№149-150
(5058)

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Кадрли ватандошлар!
Аввало, ушбу кутлуг айёмда сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан чин қалбимдан самимий му-боракбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги Консти-туция байрамнинг алоҳида руҳи ва шуқуҳи борлигини бугун барча-миз чуқур хис этиб, англаб туриб-миз. Бу, биринчи навбатда, мазкур айёмнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижти-моий-иқтисодий, маънавий-маъри-фий ҳаётимизда катта ўзгаришлар амалга оширилаётган тарихий бир шароитда ўтаётгани билан боғлиқ, десак, тўғри бўлади.

Айниқса, шу йил 27 октябрда Олий Мажлис ва маҳаллий Кен-гашларга очиклик ва рақобат руҳида ўтган сайловлар янгиланган Асосий қонунимизни ҳаётга татбиқ этиш йўлида ғоят муҳим қадам бўл-ганини яна бир бор таъкидлаш ло-зим.

Меҳнаткаш, олижаноб ва бағри-кенг халқимизнинг Янги Ўзбе-кистонни барпо этиш йўлидаги хоҳиш-иродаси, бирлиги ва ҳам-жихатлиги, сиёсий маданияти яққол намоён бўлган ушбу сайло-лар натижаларига кўра, юртимизда конституциявий ҳуқуқ ва ваколат-лари кучайган, масъулияти бир неча қарра ортган янги вакиллик тизими шаклланиши албатта бар-чамизни мамнун этади.

Яна бир муҳим жиҳати – ҳоким-лар бир пайтнинг ўзида маҳаллий Кенгашларга ҳам раҳбарлик ки-либ келган амалиётдан ушбу орган-ларга илк бор депутатлар орасидан сайланган Кенгаш раиси бошчилик қиладиган янги тизимга ўтилмоқда.

Бундан ташқари, ҳокимларнинг 30 дан зиёд ваколатлари маҳаллий Кенгашларга ўтказилгани ижти-моий ҳаётимизда демократия, халқпарварлик тамойиллари тобора кенг ўрин олаётганидан далолат бе-ради.

Биз «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деган кон-ституциявий принципга амал қилган ҳолда, парламент ва маҳаллий Кен-гашлар ваколатларини кенгайтири-риш, уларнинг фаоллигини янада ошириш, самарали фаолият кўрас-тишлари учун зарур шароитларни яратиш, бир сўз билан айтганда, уларни чинакам халқ овозига ай-лантиришга қаратилган ислохотлар-имизни қатъий давом эттирамиз.

Хурматли дўстлар!
Инсон кадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича Асосий қонунимизда муҳ-раб қўйилган устувор тамойилларни ҳаётимизга изчил татбиқ этиш бо-расида юртимизда кенг кўламли чо-ра-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан сўнгги йилларда иқтисодий-иқтисодий 2 қарра ўсгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 3 минг долларга етгани, камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга тушгани, мактабгача таъ-лимда қамров 74 фоиздан, олий таъ-лимда эса 39 фоиздан ошгани, ҳеч шубҳасиз, тарихий натижадир.

Ислохотларни жадал давом эт-тириб, янгиланган Конституциямиз нормаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида тадбиркорликни ривож-лантириш, шу асосда аҳоли даро-мадларини ошириш, оила ва маҳал-лаларда ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, кекса ав-лод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қув-ватлаш вазифаси бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Шунингдек, Асосий қонунимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат сифа-тида белгиланганидан келиб чиқиб, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, янги уй-жойлар, тиббиёт, таълим, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, йўл ва коммуникация тармоқларини мо-дернизация қилиш, манзилли ижти-моий ҳимояни кучайтириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Жум-ладан, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳажми

2 баробар кўпайтирилиб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва аҳолини кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ таъминлаш устувор ва-зифамиз бўлиб қолади.

Таълим соҳасидаги дастурлари-миз доирасида яқин йилларда олий-гоҳларда қамров 50 фоизга еткази-лади. Биргина 2025 йилда боғча ва мактабларни таъмирлаш ва янгила-рини қуриш учун давлат бюджети-дан 4 триллион сўм маблағ ажрати-лади.

Яна бир муҳим йўналиш – аҳо-лининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш учун жами 46,5 триллион сўм маб-лағ сарфланиб, 1 миллион фука-рони камбағалликдан чиқариш ре-жалаштирилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун янада қулай шароитлар яра-тиш, уларнинг ижтимоийлашувини ошириш ва умуман жамиятимизда инклюзивликни таъминлаш бўйича ишлар ҳам янги босқичга кўтари-лади. Пенсия тизимини ислоҳ этиш бўйича ҳам зарур чоралар кўри-лади.

Маълумки, янгиланган Бош ко-мусимизда фуқароларнинг эколо-гия соҳасидаги ҳуқуқлари консти-туциявий даражада белгиланиб, давлатнинг атроф-муҳитни муҳо-фаза қилиш, экологик мувоза-натни сақлашга қаратилган маж-буриятлари алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Кириб келаётган 2025 йилни мамлакатимизда «**Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодий йили**» деб эълон қилганимиз ва бу борада катта вазифаларни аниқ бел-гилаб олганимиз ана шу консти-туциявий қоида ва принципларни амалга ошириш учун муҳим асос бўлади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз юртдошларимни, бутун халқимизни ушбу йил бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга оши-ришда фаол иштирок этишга қақи-раман.

Ҳеч қачон унутмайлик: табиатни асраш – бу инсонни, келажакни асраш демакдир. Бебаҳо бойлиги-миз бўлган серҳосил далаларимиз, зилол булоқларимиз, дарё ва кўл-ларимиз, тоғ ва адирларимизни асраб, боғу роғлар, яшил маскан-ларни кўпайтирсак, Ўзбекистони-миз янада гўзал диёрга айланади, авлодларга биздан озод ва обод Ва-тан қолади.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!
Конституциямиз мамлаката-мизда миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқа-рорлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни сақлаш, ис-лохотларимизнинг ортга қайтмас тус олишини таъминлашда доимо ишончли кафолат бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қо-лади.

Шу маънода, халқимизнинг ҳуқуқий тафаккури, хоҳиш-иродаси-нинг ёрқин тимсоли ва амалий ифо-даси бўлган Асосий қонунимиз би-лан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бу ноёб қонуннинг ҳар бир моддаси ва қоидасини ўрганиш, уларга ҳур-мат, меҳр ва эътибор билан муноса-батда бўлиб, тўлақонли ижро этиш барчамиз учун муқаддас бурч ва ме-зонга айланишини истардим.

Аминманки, ана шундай юксак масъулият билан астойдил меҳнат қилиб, ислохотларимиз самарасини янада оширамиз ва олдимизга қўй-ган улуғвор мақсадларга албатта етамиз.

Сиз, азиз юртдошларимни Кон-ституция куни билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларин-гизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Ватанимизнинг обрў-эътибори, шону шухрати зиёда бўлсин!
Барча ютуқ ва ғалабаларимиз-нинг ижодкори бўлган халқимиз омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Президент Шавкат Мирзиёев 6 декабрь куни Тошкент вилоятига ташриф буюриб, транспорт, энергетика ва туризм соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Батафсил: t.me/shmirziyoyev



БУ ЙИЛГИ БАЙРАМНИНГ АЛОҲИДА РУҲИ ВА ШУҚУҲИ БОР

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 32 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Президент Администрацияси масъул ходимлари, Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоатчилик ва оммавий ахборот восита-лари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирнинг очилишида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг байрам муноса-бати билан халқимизга йўллаган табригини Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Байрам тадбирида Ватан ва Миллатни улуғловчи куй-қўшиқлар янгради. Халқимиз-нинг ҳуқуқий тафаккури, хоҳиш-иродасининг ёрқин тимсоли ва амалий ифодаси бўл-ган Асосий Қонунимиз асосида ҳаётимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар тараннум этилди.



Bir kunlik
adolat –
yuz kunlik
toat-
ibodatdan
afzal.

Амир ТЕМУР



ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ

ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 32 йиллиги муносабати билан давлатимиз томо-нидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиё-сатининг амалий тасдиғи сифатида

«Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республи-каси Конституциясининг 109-моддаси, 23-бан-дига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **483** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **107** нафари асо-сий жазодан тўлиқ озод этилди, **275** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган, **7** нафарининг озодлигини маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан ал-маштирилди. Шунингдек, **94** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазо-сининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **25** нафарини чет эл фуқаролари, **32** нафарини аёл, **5** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **274** нафарини ёшлар (шулардан, **104** нафари вояга етмаганлар) ҳамда **6** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қай-тариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом тур-муш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муно-сиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга те-гишли топшириқлар берилди.





Ғафуржон МУҲАМЕДОВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

XXI аср деярли барча соҳаларда туб ўзгаришлар ясамоқда. Бу эса баъзи ҳолатларда кескинликлар, геосиёсий вазиятлар мураккаблашуви, ғоявий таҳдидлар кучайиши тарзида намоён бўлмоқда. Бу каби ҳолатларнинг иштирокчиси ёхуд қурбони бўлишининг олдини олиш учун халқ ва миллат сифатида янада жипслашиш бугуннинг долзарб вазифаларидандир. Бунга амалга ошириш учун эса Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларга катъий амал қилиш талаб этилади.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз дунёвий давлат, очиқ ва адолатли жамият қуриш, унда тенглик ва тенг ҳуқуқлилик принципларини ҳаётга татбиқ этиш, фуқаролар, айниқса, аёллар ва болалар ҳуқуқларини камситмаслик ғояларига асосланади.

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Референдумда иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи янги таҳрирдаги Конституциямизни ёқлаб овоз берди. Бош Қомусимизда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топган. У Ўзбекистон жамиятининг эволюцион ривожланишдан келиб чиққан ҳаётий зарурат бўлиб, бу иш мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимиз учун ғоят аҳамиятли масала, адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадамлардан бири ҳисобланади. Бунинг зарурати хусусида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қуйдагиларни алоҳида таъкидлаган эдилар: «Мамлакатимиз тараққиётини янги повонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Азар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди. Шу боис, «Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат» деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, қонунларимизга ҳам қўқур сингдиришимиз керак. Хозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайди-кан хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур».

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда эришган ютуқларимиз, хусусан, иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, оидл судлов, сўз ва эътиқод эркинлиги, ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги юзлаб чекловлар олиб ташлангани, нақд пул, валюта, кредит масалаларидаги муаммолар ҳал қилингани, қўшни давлатлар билан ташқи алоқаларимиз янги босқичга кўтарилгани ва бошқа муҳим ислохотларнинг амалга оширилгани қувонарли ҳолдир. Бу ютуқлар, ҳуқуқ ва эркинликлардан нафақат хозирги, балки келажак авлодларимиз ҳам эмин-эркин фойдаланиши учун, уларни, албатта, Конституцияда муҳрлаб қўйиш талаб этилди.

Эътибор берсак, бугунги кунда мамлакатимиз ҳар жиҳатдан ривожланган давлатга айланиб бормоқда. Аҳолимиз 2040 йилга бориб, 50 миллионга етиши ва жамиятнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилиши кутилмоқда. Уларга муносиб ҳаёт шароити яратиш учун эса барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим. Бу ва бошқа кўпдан-кўп муаммолар ечими мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворни, яъни, Ўзбекистоннинг янги Конституциясини тақозо этди. Янги таҳрирдаги Конституциямиз олимۇ мутахассислар томонидан фақат кабинетларда яратилмади, балки даставвал икки босқичда халқнинг фикри, тақлифлари ўрганилди, шундан сўнггина Конституция лойиҳаси тайёрланди. Авваллари эса, Конституция қабул қилишда дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, кейин халқ муҳокамасига қўйиларди. Фуқаролар томонидан бил-

Шу нуктага назардан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекцияси томонидан Металлургия ва машинасозлик sanoati тармоқлари ходимлари касба уюшмасига аъзо бўлган «UzAuto Motors Powertrain», «Uzkabel», «UzAuto INZI» акциядорлик жамиятлари ва «Автотеххизмат» масъулияти чекланган жамиятида ходимларнинг меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, иш жойларида санитар-гигиеник шароитлар яратилишини ўрганиш юзасидан жамоатчилик назорати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси меҳнат ҳуқуқ инспекцияси инспекторлари Ж.Турсунов, Ж.Қодиров, Республика тармоғи раисининг ўринбосари Ш.Исроилов, шахар тармоғи худудий кенгаши раиси А.Алаутдинова ҳамда Тошкент шахар кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Н.Мелкулов иштирок этишди.

Ўрганиш жараёнида ташкилотларда юқорида белгиланган масалалар бўйича ижобий ишлар амалга оширилгани маълум бўлди. Хусусан, Меҳнат кодексининг 182-моддасига асосан ташкилотларда иш вақтининг мuddати нормал меҳнат шароитларидаги ишларда 5 кунлик иш вақтаси – 8 соат, ҳафтада жами – 40 соат, узлуксиз ишлаб чиқариш режимида ишловчи асосий ва ёрдамчи тузилмаларий бўлинмаларида иш вақти мuddати суткасига 8 соат миқдорда белгиланган. Бунда иш вақтининг йиллик балансига риоя этилган. Ишланмайдиган байрам кунлари арафасида ҳар кунлик ишининг (сменанинг) давомийлиги барча ходим учун бир соатга қисқартирилган. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотлар, иш ҳакига устамалар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар вақтида тўланган. Шунингдек, иш вақтидан ташқари иш, дам

ЭМИН-ЭРКИН ЯШАШ САРИ

Янгиланаётган Ўзбекистонда фуқаролар, ишчи-ходимлар ва албатта, ёшларнинг келажакка умид билан қараши, барча қонуний ҳақ-ҳуқуқлари таъминланган ҳолда эркин яшаши учун имкониятлар яратилмоқда.

олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги иш, тунги вақтдаги иш учун тўловлар, туман коэффициентларига доир тўловлар ҳамда бошқа компенсацияга оид ва ижтимоий тўловлар меҳнат қонунчилиги асосида амалга оширилган. Меҳнат қонунчилигига асосан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин, аёلнинг хоҳишига кўра, унга фарзанди икки ёшга тўлгунча қадар парваришлаш таътили берилиб, бу давр учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда нафақа тўланиши таъминланган. Ҳар йилги асосий энг кам меҳнат таътилининг давомийлиги йнгирма тўрт календарь кунини ташкил этиб, биринчи иш йили учун ҳар йилги меҳнат таътилидан фойдаланиш меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ходимга ишлаганидан олти ой ўтгунча қадар ҳам меҳнат таътили берилиши таъминланади. Иккинчи ва кейинги иш йиллари учун ҳар йилги меҳнат таътили иш берувчи ва ходим учун мажбурий бўлган таътиллار жадвали билан белгиланадиган ҳар йилги меҳнат таътиллари бериш навбатига мувофиқ берилди. Корхоналарда мажбурий меҳнат ҳолатларига йўл қўйилмаган.

Иш берувчи томонидан ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг (ўн

олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) ота-онасидан бирининг (отана ўринни босувчи шахснинг), шунингдек, оиланинг бетоб аъзосини парварилашни амалга ошираётган шахснинг илтимосига кўра, уларга тиббый хулосага мувофиқ тўлиқсиз иш вақти белгиланиши таъминланган. Иш берувчи томонидан ҳомиладор аёлларга бирламчи тиббый-санитария ёрдами муассасаларида антенатал (туғуруқкача) парваришлаш (перинатал скрининг) ва ташхис, мажбурий тиббый кўриқлар ва бошқа мажбурий тиббый муолажалар) учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар берилган.

Айтиб ўтиш керакки, барча ташкилотларда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси бўлими ташкил этилган бўлиб, алоҳида хоналар ажратилган. Мазкур хоналар меҳнатни муҳофаза қилишни тарғибот-ташвиқот қилувчи стендлар, хавфсизлик плакатлари ва компьютерлар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, барча ходимлар корхонада ишлаб чиқилган якка тартибдаги шахсий ҳимоя воситаларини бепул бериш меъёрларига асосан белгиланган муддатларда таъминланган.

Ишчи-ходимларни тегишлича бепул

сут ва иссиқ овқат билан таъминлаш ташкиллаштирилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарорининг 1-илловаси билан тасдиқланган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари»га мувофиқ, суғурталаш ишлари амалга оширилган ва суғурта полислари олинган.

Ўрганишлар жараёнида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, камчиликлар ҳам борлиги маълум бўлди. Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуни ва шунга доир бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан иш берувчи, касба уюшмаси қўмитаси раиси, мутахассислар ва бошқа тегишли масъул шахсларга Меҳнат кодекси юзасидан тушунтириш ва тавсиялар берилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Нормурод ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Тошкент шахар кенгаши меҳнат инспектори



Янги Конституция –

замонавий демократик тараққиёт асоси

дирилган фикр ва мулоҳазалар асносида қабул қилиниши белгиланган қонун ва қарорлар янада такомиллаштирилиб, Конституцияда белгилаб қўйилган халқчил моддаларга мослаштирилган ҳолда қабул қилинди.

Янгилашган Конституцияда ҳар бир модда барчага тушунарли, аниқ ва лўнда баён этилгани ва синчиклаб ишлаб чиқилганини кўриш мумкин. Бу ўзгариш ва қўшимчалар Ўзбекистонни янада барқарор ривожлантириш, турли таҳдидларга қарши тура оладиган салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Халқ ва давлат ҳокимияти органлари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилгани натижасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ташаббуси билан амалга оширилаётган ўзгаришларга муносабат тубдан ўзгарди. Ошқоралик сиёсати давлат органларининг жамоатчилик фикрига зудлик билан муносабатда бўлишига ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишига олиб келди.

Янгилашган Конституция «инсон – жамият – давлат» тамойилига асосланади, чунки унда барча тоифалар — ёшлар, аёллар, ногиронлар, ўқитувчилар ва ҳатто ҳуқуқбузарларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатлари ўз ифодасини топгани билан амалий аҳамиятга эга.

Энг муҳими, Асосий қонунимизнинг 1-моддасида биринчи марта «Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат» деган норма белгиланди.

Ижтимоий давлат, деганда, аввало, ўз фуқароларига муайян минимал фаровонлиқни кафолатлайдиган давлат тушунилади. Янги Ўзбекистоннинг асосий мақсади – ҳар бир фуқарога ғамхўрлик қилиш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатлами учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашдан иборат.

2023 йил 8 май куни Президентимизнинг «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат устувор принципларидан келиб чиқиб, фармонда янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари олдида турган биринчи галдаги вазифалар белгилан берилди.

Конституцияда Ўзбекистонни ижтимоий давлат деб белгилашни ҳар бир инсон учун фаровон турмуш даражаси, хусусан, сифатли таълим, кафолатли тиббий хизмат, муносиб меҳнат шароити ва адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, ижтимоий ёрдам ва хизматлар тизими яратилган, уй-жойли бўлиш шароити мавжуд бўлган, ижтимоий тафовутлар юмшатиш, мувозанатлашган, ҳеч бир фуқаро ўз муаммолари билан ёлғиз қолмайдиган адолатли давлатдир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 июнда конституциявий комиссия аъзолари учрашувда «Асосий қонунимизда «Ўзбекистон – ижтимоий давлат» деган тамойилни мустаҳкамлашни тақлиф этаман. Чунки «инсон қадри» тушунчаси «ижтимоий давлат» тушунчаси билан чамбарчас бўлакдир. Ушбу ғоянинг туб негизиди ҳам, аввало, инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассамдир», деб таъкидлаган эди. Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 1-моддасига «Ўзбекистон – ижтимоий давлат» тамойили киритилди. Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробарга кўпайтирилиб, ижтимоий давлатни амалга ошириш механизмлари белгиланди.

Биринчидан, Конституцияда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятлари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилашда инсоннинг муносиб яшашини таъминлаш ҳисобга олинishi алоҳида ўқитрилди.

Иккинчидан, давлатнинг фуқаролар бандлигини таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш бўйича мажбуриятлари Конституция нормаси даражасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Учинчидан, фуқароларнинг кафолатланган тиббий ёрдамга бўлган ҳуқуқлари белгиланди ва давлат таълимнинг барча шаклларида ғамхўрлик қилиши, инклюзив таълимни таъминлаши, ўқитувчининг мақомига оид нормалар мустаҳкамланди.

Тўртинчидан, ижтимоий давлатнинг асосий вазифаси сифатида барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид янги қоидалар ўрнатилди. Ўзбекистонни ижтимоий давлат деб белгилаш – таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, айниқса, ижтимоий ҳимояланмаган ёки эҳтиёжманд қатлами кўллаб-қувватлаш орқали уларга муносиб турмуш шароитини яратишга хизмат қилади.

Таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти кенгайтирилиб, ўқитувчилар конституциявий мақомга эга бўлди.

Ижтимоий давлатга хос ёндашувлар таълим соҳасига оид кўплаб модда ва нормаларда ҳам ўз ифодасини топди. Жумладан, Янги Конституциянинг 50-моддасида «Хар қим таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир. Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир. Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади» дейилган.

Таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробарга ошди. Жумладан, фуқароларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи катъий белгилаб қўйилди. Маълумот тариқасида айтиш мумкинки, 2017 йилгача олий ўқув юртиларида ўқиш учун давлат грантлари сони фақат қисқартириб келинган бўлса, охириги олти йилда бу борадаги аҳвол бутунлай ўзгарди. Грантлар 2 баравар кўпайиб, 40 мингтага етди. Магистратура учун эса 5 баравар кўпайди. Асосий қонунда фуқароларнинг бепул бошланғич касб-хунарга ўқитилиши ҳам белгиланганлиги диққатга сазовор янгиликлардандир.

Ногиронлиги бор ёшларга ўз тенгдошлари билан бир ҳил таълим олиши учун барча шароитларни яратиш кўзда тутилиб, бундай имкониятлар инклюзив таълим сифатида Конституцияга киритилди. Бу имконияти чекланган болаларнинг яқкаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун муҳим кафолатдир.

Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти кучайтирилди. Бу қоидалар мамлакатимиздаги қарийб 700 мингга яқин ўқитувчининг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши, уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва обрўси янада ошишига хизмат қилди.

Олий таълим ташкилотларига академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги, ҳуқуқи тақдим этилиши профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади, албатта. Жумладан, кейинги йилларда кўплаб нодавлат олий ўқув юртилари очилди, хорижий университетлар филиаллари сони ортомқда, кўплаб давлат олий ўқув юртига академик ва молиявий мустақиллик берилди.

Конституцияда Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат, деб белгилаиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинар экан, унда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ошди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларимизнинг, ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятининг мазмунига айланиши катъий талаб сифатида белгираняптики, бу хол давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фақат ва фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишига асос бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун Конституциямизнинг янги нормаларида асосий эътибор инсон, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилганини ишонч билан таъкидлаш мумкин. Янги таҳрирдаги Асосий қонуннинг қабул қилиниши билан бу борада янада мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий асослар яратилди.



«Ишонч телефони» эшитади

Х аёт бир текис кечмайди. Пойтахтимизнинг Ян-ғиҳаёт туманида яшовчи Феруза Ризаева ҳам Нодиржон Ризаев билан турмуш қурганида, фарзандлари туғилганида ўзини нақадар бахтли ҳис қилган эди. Аммо кейинчалик эр-хотин ва қайнона-келин муносабатларидаги мураккабликлар тобора чуқурлашиб, бугун у икки фарзанди билан ота-онасиникида яшамокда. Фарзандлари таъминоти ўзининг зиммасида.



ЕЧИМИНИ

ТОПГАН МУРОЖААТЛАР

– Иккинчи болам билан касалхонага тушиб қолганимда ота-онам ёрдам берган бўлса-да, дори-дармон харажатларидан қийналиб қолдим, – дейди Феруза. – Шу боис алимент қарздорлигини ундириб беришларини сўраб, 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим қокдим...

Улар дарҳол Яккасарой тумани Мажбурий ижро бюроси ходимлари билан боғланиб, ҳолатни ўрганишди. Маълум бўлишича, ота даромадини яшириш мақсадида сохта ҳужжат қилиб, кам иш ҳақи олаётгани ҳақида маълумотнома тўғрилаб олган. Натижада болалари учун ажратиладиган алимент пули миқдори кам чиққан. Тўланмагани ҳисобига эса қарздорлик миқдори 10 млн. сўмдан ошиб кетган.

МИБ ходимлари томонидан чора-тадбирлар кўрилагани туфайли сўровнома аста-секин ижобий ечим топа бошлади. Аввалига

4 млн. сўм,

бир-икки ойдан кейин яна

3 млн. сўм

миқдоридagi маблағ Ферузанинг пластик карточасига ўтказиб берилди. Нодир Ризаев ойлик маошининг

50 фоизи

қолган қарздорликни ёпиш учун ўйналтирилди.

Яна бир мурожаатчи – Юнусобод туманининг «Отчопар – 1» маҳалласида яшовчи Шаҳноза Ғиёсова. Унинг бир ўғил ва бир қизи бўлиб, ёлғиз она, боқувчиси йўқ. Ўғли ҳали ёш, шу боис иккала фарзанд таъминоти онанинг зиммасида.

У кам таъминланган оилалар учун ажратиладиган субсидия масаласида, оиласига зарур техник ашёлар олишда ёрдам сўраб маҳаллага мурожаат қилган. Аммо ҳеч қандай жавоб берилмаган. «Ишонч телефони» масъуллари томонидан мурожаат тегишли тартибда ўрганиб чиқилгач, қонунчиликдаги тартибга асосан, Шаҳноза Ғиёсовага маҳалла томонидан музлаткич ва микротўлқинли печ олиб берилди.

Ушбу амалий ўзгаришдан кейин Шаҳноза ҳукуматимизнинг кам таъминланган оилаларга қаратаётган эътиборини, шу юрт учун керакли инсон эканини янада теранроқ ҳис қилди. Эндиликда у саломатлигини тиклаб, фойдали иш билан банд бўлган ҳолда, фарзандларини жамиятимизга муносиб инсонлар қилиб тарбиялашни мақсад қилган.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Қушнинг ҳам уяси бузилса, она қуш бошпанасиз қолган палапонлари узра оҳ-нола чекиб, чарх уради. Агар она оҳ урса-чи? Бунга юраклар дош берармикан? Афсуски, ана шундай вазиятга дуч келганда қўл силтаб кетадиганлар орамизда йўқ эмас.

МУАММО

БИР ҲАФТАДА ҲАЛ БЎЛДИ

Ота дийдорига тўймай ўсаётган гўдакнинг тоби қочди. Чорасиз қолган она бошини қай деворга урмади дейсиз. Қўлидаги алимент ундириш тўғрисидаги суд қарори ижросини кута-кута чарчади.

– Орзу-умидлар билан Ургутга келин бўлгандим. Афсуски, уч фарзандим билан ота уйимда ўтирибман. Расман ажрашмаган бўлсак-да, анча йилдан буён хўжайим билан бирга яшамаймиз, – дейди иштихонлик Наргиза Ибодуллаева. – Турмуш ўртоғим хорижга кетган. На оиласини, на фарзандларини эслайди. Охири суд орқали ундан алимент ундиришга қарор қилдим. Аммо...

Қуёв томон алимент тўлашдан қочмасда, оддийгина расмийчилик жойига қўйилмагани боис норасидалар бу маблағдан бебаҳра қолишди. Айниқса, кенжатайнинг бехосдан тоби қочиб қолиши дард устига чипқон бўлди. Ана шундай оғир вазиятга қолган онага танишлари қасаба уюшмалари қошида хотин-қизлар муаммоси бўйича қуну тун ишлайдиган 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилишни маслаҳат беришди.

– Ургут тумани Мажбурий ижро бюроси ходими Шерзод Мирзоевнинг қуруқ ваъдаларидан зада бўлгандим. 1211 га ишониб-ишонмасдан қўнғироқ қилдим. Қасаба уюшмадагилар муаммомни ёзиб

олишди, – дейди Наргиза Ибодуллаева телефон орқали қилган мулоқотимизда. – Қарз-қавола қилиб бўлса ҳам, боламни даволатаётгандим. Муаммо бунча тез ҳал бўлгани халиям тасаввуримга сиғдирилмаяпман. Атиги бир ҳафтада пул тушди. Инсон тақдирига беварқ бўлмаган қасаба уюшмалари ходимларидан беҳад миннатдорман.

Қасаба уюшмаларининг «Ишонч телефони»да шу йил 11 сентябрь кўни қайд этилган ушбу мурожаат 12 сентябрь кўни Мажбурий ижро бюросига чиқарилди. 19 сентябрь кўни эса, Мажбурий ижро бюроси ходимлари саъй-ҳаракати билан 8 миллион 250 минг сўм Наргизанинг онаси Қ.Зиёдуллаеванинг пластик картасига ўтказиб берилган.

Аслида пластик карта очириш ҳам, пулни ундириш ҳам ечим топмайдиган муаммо эмас. Агар суд қарори ўз вақтида ижрога йўналтирилганда, вазият бунақа тус олмас, она ва болалар қийналмас эди. Аттанг...

Ҳаёт аччиқ. Бу йўлда уринган-суринганлар, қокилганлар ҳам оз эмас. Уларга далда бўлиш эса бизнинг фуқаролик ва инсонийлик бурчимиздир.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



Беғараз ёрдам учун КАТТА РАҲМАТ!

Бувайда туманида яшовчи Дилнозахон Фозилова дардга чалиниб, анча азоб чекди. Шифокорлар унга вақтида даволанишни айтишди. Лекин оиладаги моддий танглик бунга монелик қилди. Натижада у II-гурух ногиронига айланиб қолди.

Хайриятки, уйма-уй, хонадонма-хонадон ўрганишлар жараёнида у «Аёллар дафтари»га киритилди. Дастлаб моддий ёрдам берилди. Кейин саломатлигини тиклаши учун қўмак кўрсатилди.

Аммо... Эски дард уни яна безовта қила бошлади. Шундоқ ҳам рўзгорини аранг тебратаятган она учун бу яна бир тўсиқ бўлди. Етарли маблағ топишнинг имкони бўлмади. Қасаллик эса аҳволини янада баттарлаштирди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»нинг ташкил этилгани Дилнозахон Фозилованинг умид уқунларини алангалатди. Даволаниш учун моддий ёрдам масаласида йўллаган мурожаати қўл ўтмай ҳал этилди.

– Яхши инсонларнинг қўмаги билан Тошкентдаги шифохонада даволаняпман, – дейди Дилнозахон Фозилова. – Мурожаатимдан сўнг даволанишим учун керакли маблағни ўтказиб беришди. Ҳозир аҳволим анча яхши. Бундай беғараз ёрдам учун бу ишларнинг бошида турганларга катта раҳмат айтаман. Бу яхшиликларни ҳеч қачон унутмайман.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

НАСИБА ФАРЗАНДИНИ ЁЛҒИЗ ТАРБИЯЛАБ КЕЛМОҚДА. ТУРМУШ ҚИЙИН-ЧИЛИКЛАРИНИ ЕНГИШ УЧУН ЎЗИНИ ЎҚҚА-ЧЎҚҚА УРАДИ. БИР ЭШИК ЁПИЛСА, ИККИНЧИСИНИ ОЧИШ ТАДБИРИНИ КЎРАДИ. АХИР, ҲАЁТ – КУРАШ МАЙДОНИ-ДА.

ИККИ ОЙГА ЧУЗИЛГАН МАШМАША

2022 йил 30 сентябрда у давлатимиз раҳбарига «Ишонч телефони» орқали гўзаллик салони очиб учун субсидия олишда ёрдам сўраб мурожаат қилди. Унга Гурлан тумани маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази раҳбаридан жавоб хати келди. Унда «Сиз 2022 йил 27 августда onlain-mahalla платформаси орқали субсидия ва меҳнат қуроллари олиш учун мурожаат қилгансиз, бироқ ишсиз деб топилмаганингиз, аёллар, ёшлар ёки «Темир дафтар»да турмаганингиз учун аризангиз рад қилингани аниқланди», дейилган эди. Шунингдек, ушбу дафтарларнинг биронта-сида турса, қай тартибда субсидия ажратилиши мумкинлиги тушунтирилган.

2023 йил 22 июнда ҳоким ёрдамчиси Насиба Қуронбоевага 10 миллион сўм субсидия олиш учун ижобий тавсиянома беради. Бироқ 2024 йилга келиб ҳам субсидия ажратилмади. 21 февралда Гурлан тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлими бошлиғидан субсидия навбати билан берилиши ҳақида жавоб олади. Шундан сўнг Насиба Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилади. У «Аёллар дафтари»нинг 5-босқичига ижтимоий ҳимояга муҳтож сифатида киритилади. Бироқ субсидиянинг дарағи чиқавермагач, «Ишонч телефони»га қайта мурожаат қилишга мажбур бўлади. 2024 йил 1 августда Гурлан тумани ҳокими ўринбосаридан сартарошлик фаолияти учун зарур асбоб-ускуналар етказиб бериш чоралари кўрилатгани ҳақида жавоб келди.

Шундан сўнг ушбу масалани Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши мутасаддилари қатъий назоратга олдилар. Ниҳоят, октябрь ойида Насиба субсидия асосида сартарошлик жиҳозларига эга бўлди.

Яқинда у билан гаплашганимизда, сеvimли ҳунари билан шуғулланишни бошлаганини айтди. Уни тинглайдиган, қувватлайдиган қасаба уюшмалари борлигидан мамнунлигини билдирди.

Турмуш қийинчиликлари сабаб хасталикка чалинган аёл матонат билан олдинга интилмоқда. Айтинг-айтинг, уни келажақда ёруғ қунлар кутаётган бўлсин!

Муҳаббат ТЎРАБОВЕВА
«ISHONCH»

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» МУШКУЛИМИНИ АРИТДИ...

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»га келган мурожаат тақдирига қизиқиб, фуқаро билан боғландик. 32 ёшли Дилшода Ўринова шундай деди:

– Андижон вилояти Избоскан туманида яшайман. Тақдир экан, биринчи турмушим бузилди, битта фарзандим билан ота уйимга қайтдим. Уч йилдан сўнг Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи йигитга узатилдим. У ва унинг оиласи билан ҳаётимиз давомида қўп келишмовчиликлар юз берди, аммо чидадим. Орада уч нафар фарзанди бўлди. На-чора, тақдир экан, яна ажрашдим. Тўрт нафар фарзандим билан ота уйимга қайтишимга тўғри келди.

Ота-онамнинг ҳам шароитлари ахши эмаслиги учун ўзимни меҳнатга урдим. Болаларни боқиш, ўқитиш, рўзгор юки дегандай... Турмуш ўртоғим эса ёрдам бериш ҳақида ўйламасди ҳам. Болаларимга алимент ундириш бўйича судга мурожаат қилдим. Шу йилнинг май ойида бўлиб ўтган судда ундирилаётган маблағга аниқлик киритилди: 14 миллион сўмни ташкил қилар экан. Бироқ турмуш ўртоғим пулларни тўламади. Ўрта Чирчиқ тумани Мажбурий ижро бюросига, Халқ қабулхонасига бир неча марта қўнғироқ қилдим. Натижа бўлмади.

Ниҳоят, бир дугонам мушкул аҳволга тушган хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи 1211 рақамли «Ишонч телефони» борлигини айтиб қолди. Шундан сўнг ўша рақамга боғландим. Бунга қарангки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, картамга 5 миллион 700 минг сўм тушириб берилди. Қолгани ҳам тез орада тўлаб берилишини айтишди. Мурожаатимнинг эътиборсиз қолдирилмагани, мушкулларни ариштишгани учун Қасаба уюшмалари Федерацияси масъулларига миннатдорлик билдираман.

Афсуски, Дилшоданинг муаммоси тугаганча йўқ. Айни пайтда у яшаётган Андижон вилоятининг Избоскан туманида газ, электр таъминотида узилишлар қўп. Уйлар совуқ бўлгани сабабли, қўмир ҳам сотиб олиниши зарур. Энг каттаси 9, энг кичиги 3 ёшли бўлган тўрт нафар фарзандни воёга етказиш учун эса... Дилшода яқин орада доимий иш билан таъминланиши ва моддий аҳволи яхшиланишини ҳудуд масъуллари назоратга олишига ишонамиз эва бунга кузатишда давом этамиз.

Биз алимент пулларининг қолган қисми қачон тўлаб берилишини билиш учун Ўрта Чирчиқ тумани Мажбурий ижро бюроси раҳбари билан боғландик. Масъул айни пайтда бу масала бюро назоратида эканини, жавобгарнинг ойлик маошлари ҳисобидан қолган қисми ҳам босқичма-босқич ундириб берилишини билдирди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Креатив иқтисодиёт XXI асрда шаклланган ва дунё миқёсида жадал ривожланаётган янги соҳалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодчи олим, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадовев шу йил 8 октябрда ЎзА муҳбири Норгул Абдураимова билан суҳбати жараёнида бу ҳақда шундай деган эди: «БМТ резолюциясига кўра, креатив иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари, жумладан, креатив иқтисодиётни мустақил тармоқ сифатида қўллаб-қувватлаш, унинг алоҳида статистик ҳисоботини юритиш ва иқтисодиётдаги улушини ошириш назарда тутилган. БМТнинг таҳлилий маълумотларига кўра, маданий ва креатив соҳадаги маҳсулотларнинг дунё ялпи ички маҳсулотидаги ўрни 3,1 фоизни ташкил этади ҳамда жаҳонда иш билан банд аҳолининг 6,2 фоизи ушбу соҳага тўғри келиб, унинг асосий қатламини ёшлар ташкил этади».

Биобарин, креатив иқтисодиёт жаҳон иқтисодиётида ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Жумладан, бизнинг мамлакатимиз иқтисодиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунга кўра, 2024 йил 3 октябрда Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Креатив иқтисодиёт тўғрисида»ги қонуни имзоланди.

Бугунги кунда оламда содир бўлаётган турли бекарорликлар, айрим ҳудудлардаги уруш-жанжаллар, улар туфайли пайдо бўлган иқтисодий инқирозлар, глобал экологик ўзгаришлар, илм-фан тез ривожланиши сабабли ҳаётимизга кириб келаётган инновацион жараёнлар инсоният ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда. Натижада бир томондан айрим мутахассисликларга эҳтиёж сусайса, бошқа баъзи йўналишлар бўйича янги мутахассисларга талаб ортмоқда. Шу асно креатив иқтисодиётга ҳам эҳтиёж кучаймоқда. Бу иқтисодиётнинг бир йўналиши бўлиши креатив индустрия соҳасига ҳам катта эътибор бериш лозимлиги объектив заруратга айланмоқда. Ушбу масала «Креатив иқтисодиёт тўғрисида»ги янги қонунда алоҳида қайд этилган. Айни ҳолатлар биз тилга олган мавзу ўта долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Ҳозир дунё иқтисодиёти кескин ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Илгари иқтисодиётнинг асрлар оша амал қилиб келинган турлари битта шакл ва мазмунда бўлиб, аста-секин тақомиллашиб борган. Эндilikда эса, унинг нафақат мазмуни, балки шакли ҳам бутунлай ўзгариб, янги турлари анча кўпайган. Сабаби, иқтисодиётнинг мазмуни ва шакли ҳам оддий моддийликдан номоддий шаклга эга бўлиб бормоқда. Мукаддам турли ишлар қўл-оёқлар воситасида, кейинчалик узок вақт техника ва технологиялардан фойдаланилган ҳолда бажарилган бўлса, охириги пайтларда иқтисодиёт номоддий характер касб этиб, номоддий неъматларнинг қадри ҳам ошиб бормоқда.

БУГУНГИ КУНДА ЯНГИ ШАКЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ ЖОИЗ:

инновацион иқтисодиёт;

рақамли иқтисодиёт;

яшил иқтисодиёт;

хуфиёна (яширин) иқтисодиёт;

хулқ-атвор иқтисодиёти;

сунъий интеллектга боғлиқ иқтисодиёт;

креатив иқтисодиёт.

Янги асрда дунёда вужудга келган ва шаклланган иқтисодиётнинг ўзига хос турлари бизнинг ҳам иқтисодиётимизга, у орқали ҳаётимизга кириб келди. Юқорида эслатилганидек, иқтисодиёт маҳсулоти нафақат моддий, балки номоддий неъматларни ҳам қамраб олади ва улар яратилиши эвазига мамлакат иқтисодиёти кескин ривожланади. Тошкент кимё халқаро университети профессори, иқтисодиёт фанлари номзоди Нурбек Ризаев «Халқ сўзи» газетасининг 2024 йил 31 октябры сонига босилган «Ёрқин келажак учун «акли» технологиялар» мақоласида ёзишчи, сунъий интеллект бозори ҳажми ҳозир 207 млрд. долларга тенг бўлса, 2024 йил якунида 298 млрд. долларга, 2030 йилда эса тахминан 1,84 трл. долларга етиши мумкинлиги кў-



Унинг мазмун-моҳияти, турлари ва тамойиллари ҳақида айрим мулоҳазалар

тилмоқда. Бу соҳа иқтисодий тизимда жуда сердаромад ҳисобланади. Бизнинг ҳисоб-китобимиз бўйича унинг даромадлилики даражаси 30-35 фоизга тенглашади.

Ҳам моддий, ҳам номоддий неъматлар яратишга мўлжалланган креатив иқтисодиёт анчадан бери халқаро миқёсда қўлланилмоқда. Жумладан, Тошкент кимё-технология институти ректори Ботир Усмоновнинг шу йил 7 ноябрда «Халқ сўзи» сайтида ёритилган «Нима учун креатив иқтисодиёт?» сарлавҳали мақоласида ёзилишича, Фарбий Европа ва АҚШда «креатив шаҳарлар» деб аталадиган концепция бир неча ўн йиллардан буён ривожланмоқда. У креатив индустрияни қўллаб-қувватлашга асосланган, чунки ижодкорлар синфининг саъй-ҳаракатлари шаҳарларга қаратилган. Бу борада АҚШ, Европа ва жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида муайян тажрибалар ҳам тўпланган.

Эркин Гадовевнинг таъкидлашича, Индонезияда «Креатив иқтисодиёт тўғрисида»ги қонун қабул қилинган ҳамда Туризм ва креатив иқтисодиёт вазирлиги ташкил этилган. Умумий қиймати 1 миллиард доллар бўлган 15 та стартап лойиҳа амалга оширилиб, креатив иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган. Англияда эса 2035 йилгача инновациялар стратегияси қабул қилинган. Ҳозир креатив индустрияларда 2,1 миллион киши фаолият юритмоқда, креатив иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 5,8 фоизни ташкил этмоқда.

Креатив иқтисодиёт МДҲ мамлакатларида ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Масалан, Россияда Креатив иқтисодиётни ривожлантириш маркази ва креатив иқтисодиёт йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган 20 та универсал университет очилган. Стратегик ташаббуслар агентлиги томонидан «Креатив индустрияни ривожлантириш тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилган.

Ушбу соҳа Ўзбекистонда ҳам ривожланмоқда. Ҳозир юртимизда креатив индустрияга оид 9,6 минг корхона мавжуд бўлиб, уларда 84 минг киши ишламоқда (205 та IT-марказ, 100 та дизайн маркази, 60 та анимацион суратлар маркази, 30 та ўйинлар ишлаб чиқиш маркази ва 20 дан ортиқ санъат галереяси бор). Қолаверса, 28 минг нафар хунарманд шу йўналишда иш юритмоқда.

Аслида креатив иқтисодиёт индустрияси бизда аввалдан шаклланганди. Аммо улар бундай ном билан аталмас эди. Энди эса халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, ҳар бир нарсани ўз номи билан айтиш лозим, деган хулосага келинди. Мазкур соҳанинг ягона ҳуқуқий базасини яратиш, шунингдек, креатив соҳаларни аниқ белгилаш заруратга айланди. Чунки бу соҳа асосан номоддий саналса-да, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш ва ҳисоблаб бориш талаб этиладиган бўлди. Шунга мувофиқ, «Креатив иқтисодиёт тўғрисида»ги қонун яратилиб,

ж о р и й
йил октябры ойидан амалиётга татбиқ этилди. Унда «**Креатив иқтисодиёт - ижодиёт, интеллектуал қобилият, шунингдек, инновацияларга ҳамда технологияларга асосланган инсон салоҳияти натижасида иқтисодий қимматга эга бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) яратишга қаратилган иқтисодиёт тармоғи**» дейилган. Бу тушунча креатив иқтисодиёт таърифини ишлаб чиқиш учун методологик асос бўлади.

Дарвоқе, биз, бир гуруҳ олимлар креатив иқтисодиётга қуйидагича таъриф бердик:

«Креатив иқтисодиёт деганда, мавжуд иқтисодиётни янгича ёндашув, янги ғоялар билан такомиллаштириб, унинг янги-янги йўналишларини барпо эиш мақсадида янгича фикрлаш асосида инсон тафаккурида шаклланган ва амалиётда ўз тасдиғини топган янги иқтисодиёт тушунилади».

Кўп ўтмай бошқа фикрлар ҳам умумлаштирилиб, бу таъриф назарий жиҳатдан янада такомиллаштирилди:

«Креатив иқтисодиёт деганда, янги ғояларни ишлаб чиқиш салоҳиятига эга бўлган инсонлар томонидан иқтисодий жараёнга ижодий ёндашган ҳолда моддий ва номоддий товарларни (ишлар, хизматларни) яратадиган иқтисодиёт соҳаси тушунилади».

Мазкур тушунча бир қанча йўналишларни қамраб олади. Биринчидан, янги ғояларни ишлаб чиқишга тааллуқли саналади. Бунда янгиланишлар технологияларда эмас, асосан ғояларда намоён бўлади. Иккинчидан, интеллектуал салоҳиятга эга инсонлар бўлишини тақозо қилади. Демак, жамиятда билимдон кишилар аҳолининг асосий қисmini ташкил қилишлари лозим. Учинчидан, бундай интеллектуал салоҳият эгалари иқтисодий жараёнга ижодий ёндашиб, моддий ва номоддий товарлар (ишлар, хизматлар)ни яра-

тади-лар. Шу тарика замонавий креатив иқтисодиёт шакллантирилади. Уни ижодий иқтисодиёт деб талқин қилса ҳам бўлади.

Бошқа иқтисодиётлар сингари креатив иқтисодиёт ҳам бир қанча принципларга эга. Уларнинг биринчиси қонунийлик бўлиб, бу соҳадаги муносабатлар Конституциямизга, «Креатив иқтисодиёт тўғрисида»ги қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Ана шундагина унда тартиб-интизом бўлади. Акс ҳолда, бирор қонуний муваффақиятга эришиш қийин.

Иккинчиси – очиклик ва шаффофлик принципи. Креатив иқтисодиёт соҳасидаги ахборот албатта, очик ва шаффоф бўлиши керак. Бу ҳам ҳаётий зарурат ҳисобланади (*албатта, давлат сирларидан иборат ва ошкор этилиши қонунан чекланган ахборот бундан мустасно*). Зеро, «Креатив иқтисодиёт тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида давлат органлари креатив индустрия субъектлари учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг

очиклиги, шунингдек, ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган усулларда ахборот олиш ва ундан эркин фойдаланиш шароитларини яратиши шартлиги белгиланган.

Учинчи принцип ижод эркинлигидир. Қонуннинг 7-моддасида креатив иқтисодиёт илмий, техникавий ва бадий ижод эркинлигига асосланишига ҳам изоҳ берилган. Аниқроғи, барча шахслар креатив индустрия соҳаларини танлашда ва уларнинг бир ёки бир нечасида фаолият олиб боришда, шунингдек, креатив маҳсулот яратишда эркин эканлиги ўқтирилган. Бироқ ижод эркинлиги бошқа шахсларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказмаслиги, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундашга ёки тарғиб қилишга қаратилмаслиги ҳамда ижтимоий ахлоқ қоидаларига зид бўлмаслиги лозим.

Тўртинчи принцип тенглик саналади. Креатив иқтисодиёт субъектлари ўз фаолиятини амалга оширишда, жумладан, давлат томонидан тақдим этиладиган қўллаб-қувватлаш чоралари ва инфра-тузилмадан фойдаланишда тенглик тўлиқ таъминланиши шарт.

Бешинчи тамойил бошқа соҳалар сингари креатив маҳсулотнинг ҳам

ҳуқуқий муҳофаза қилинишига эришишдан иборатдир. Креатив маҳсулот интеллектуал ва ижодий фаолият натижаси бўлиб, у ҳам қонунчиликка мувофиқ химоя қилинади.

Креатив иқтисодиётнинг мазмуни ва унинг бугунги ҳаётимизга объектив зарурлигини назарда тутиб, қуйидаги тавсияларни билдиришни лозим топдик.

Биринчидан, «Креатив иқтисодиёт» фанини яратиб, уни олий ўқув юртларида дарслик сифатида ўқитишни йўлга қўйиш, шу асосда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, уларнинг малакасини оширишга доир давлат таълим стандартлари ҳамда таълим дастурларини такомиллаштириш фойдадан холи бўлмайди.

Иккинчидан, креатив иқтисодиёт ҳисоб-китобини алоҳида тармоқлари бўйича олиб бориш ҳамда унинг мамлакат Ялпи ички маҳсулотидаги (ЯИМ) ва ҳудудий маҳсулотлар таркибидagi ҳиссасининг аниқ ҳисоб-китобини юритиш ҳам аини муқдодир.

Учинчидан, креатив иқтисодиётга давлат маблағлари ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш, уни давлат-хусусий шерикчилиги асосида ривожлантириш йўллари топиш ва ушбу соҳада тадбиркорликнинг инновацион рақамли иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳамоҳанг равишда олиб бориш қоидаларини ҳам ишлаб чиқиш жоиз.

Тўртинчидан, креатив иқтисодиётни тез ва сифатли ўзлаштириш учун мазкур соҳада дуал таълимни жорий этиш, бу жараёнда назарий билимлар билан амалий кўникмаларнинг узвий боғлиқлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Бешинчидан, ушбу соҳа бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш учун ривожланган мамлакатлардаги етакчи халқаро таълим ташкилотлари ҳамкорлигида соҳага доир ихтисослаштирилган қўшимча таълим дастурларини ва улар асосида ўқув-услубий, илмий ва амалий адабиётларни ҳам яратиш зарур.

Шубҳасиз, креатив иқтисодиётнинг фанга кириб келиши, унинг олий таълимда ўқитилиб, мутахассисларга бу йўналишда билим берилиши, иқтисодиётнинг бир муҳим тури сифатида мамлакатлар иқтисодиёти юксалишига, рақобатбардорлиги мустаҳкамланишига, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Мамаюнус ПАРДАЕВ, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори,

Обид ПАРДАЕВ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Департаменти директорининг биринчи ўринбосари, PhD

БИР ЙИЛ ОЛДИНГИ ФИКРЛАР, АММО ҲАМОН ДОЛЗАРБ...



«Ishonch»нинг YouTube даги саҳифасида ушбу видео салкам

300 000

марта қўрилган.

Сизга ҳам тавсия этамиз!





ҲАЛЛОЛЛИК

БОР ЖОЙДА

БАРАЖА

«UzAuto Motors Powertrain» корхонасида коррупцияга қарши курашиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Бўлади

Дунёнинг турли мамлакатларида коррупцияга қарши турли усуллар билан курашилади. Аммо энг кен тарқалганларидан бири бу комплаенс-назоратдир. Зотан, ҳозир мазкур тизимдан 100 дан ортиқ давлат фойдаланади. Масалан, Франция қонунчилигида 800 минг ееродан ортиқ капиталга эга давлат корхоналарида комплаенс-назоратни жорий этиш мажбурий бўлса, Буюк Британиядаги 1 миллиард фунт стерлинг капитали бўлган давлат улушига эга 700 дан ортиқ корхонада ушбу тизим йўлга қўйилган.

Бизнинг юртимиздаги кўплаб корхоналарда ҳам ушбу тизим амалиётга татбиқ этилган. Шулардан бири «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «UzAuto Motors Powertrain» корхонасидир. Унда 2020 йилда комплаенс-назорат хизмати ташкил этилган.

Хўш, ўтган даврда бу хизмат ўзини қай даражада оқлади? Ноқонуний ишларнинг олдини олишда у қандай самаралар берди?

Корхона раҳбари Саидазим ҒУЛОМОВ билан кечган суҳбатимиз шу хусусда бўлди.



- Саидазим ака, аввало, газетхонларга «UzAuto Motors Powertrain» корхонаси фаолияти ҳақида маълумот бериб ўтсангиз.

- Корхонанинг асосий иш фаолияти 2012 йилда бошланган. Дастлаб «Spark» русумли, кейинчалик «Ўзавтосаноат»нинг қўллаб-қувватловчида «Lacetti», «Cobalt», «Tracker» автомобиллари двигателларини тайёрлаш йўлга қўйилган. 2022 йилда 225 мингта, 2023 йилда 228 мингта двигатель ишлаб чиқарди. Айни пайтда ушбу кўрсаткични йилига 415 мингтага етказиш салоҳиятига эгамиз. 2022 йил декабрь ойида янги - CSS Prime ишлаб чиқариш линияси ишга туширилган бўлиб, йиғиш, механик ишлов бериш, қуйиш цехларида цилиндр калак гравитацион йўл билан тайёрланапти. Бу нафақат Ўзбекистон, балки МДХ давлатлари учун ҳам янги технология ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2 800 тонналик юқори босим пресслари ёрдамида алюмин блок ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилган. Ушбу лойиха ички ва ташқи бозорга ўтган йилгидан қарийб икки баробар кўп маҳсулот етказиб бериш имконини яратди. Бироқ, кўриб турибсизки, ўзбек автобозорига маҳсулотлар тури анча кенгайган. Хитойдан электромобиллар кириб келмоқда. Шунга қарамай, ички ёнув двигатели билан ишлайдиган машиналар, жумладан, «Ўзавто Моторс» автомобилларига ҳам қизиқиш сусайгани йўқ. Айни шу сабаб корхонамизнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. 2024 йилда 270 мингта двигатель ишлаб чиқаришни мўлжаллаганмиз. Айни вақтда Мексиканинг Рамос шаҳридаги GM заводида двигателлар блокинни етказиб берамиз. Қозоғистоннинг Қўстанай заводида СКД усули билан «Ўзавто Моторс» орқали двигатель маҳсулотларини экспорт қиламиз. Шу билан бирга, янги бозорлар топиш устида ҳам изланапмиз. Қирғизистон ва Озарбайжонда «Ўзавто Моторс»нинг янги йиғув цехлари ташкил этиш устида иш олиб борилапти. Бу лойиҳалар ишга тушса, уларга ҳам двигатель етказиб беришни бошлаймиз. Хўш, иш ҳажимиз қанчалик бўлади?

Ҳозир корхонамизда 1300 нафар ишчи-мутахассис меҳнат қилмоқда. Ишхонада ички

тартиб-интизом ва меҳнат ҳавфсизлигига қаттиқ риоя қилинади.

- Мавзумиз заводда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишлар ҳақида эди. Шу боис сўзимизни ходимларнинг ишга олиш жараёни билан давом эттираек...

- Албатта, завод юртимиздаги энг нуфузли корхоналардан бири. Унинг салоҳияти, келажаги бу ерда ишлайётган ходимларнинг билим ва иқтидорига боғлиқ. Шунинг учун ишга олиш жараёнидан бошлаб шаффоф ва адолатли тизимни жорий этишга ҳаракат қилганмиз.

Ишга кирмоқчи бўлган талабгорлар онлайн тарзда ҳам, анъанавий шаклда ҳам ўзи ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши мумкин. Махсус бўлим улар билан танишиб чиқиб, мутахассислигига оид штат бўш бўлса, суҳбатга қақиради. Икки босқичли тест ва суҳбатдан муваффақиятли ўтгач, комплаенс-назорат бўлими томонидан яна бир бор ўрганилиб, ижобий ҳулоса берилгач, ишга қабул қилинади. Суҳбат жараёнилари шаффоф ва адолатли бўлиши учун видеоёзувга муҳрланади. Талабгорнинг нафақат билими ва иқтидорига, балки интизомга риоя қилишига ҳам жиддий эътибор қаратамиз. Чунки ишлаб чиқариш жараёнида ишчининг ҳар бир хатти-ҳаракати алалоқибат сифатга таъсир этиши амалиётдан маълум.

- Сиз ишга кирмоқчи бўлган номзодга комплаенс-назорат бўлими ҳулоса беради, дедингиз. Хўш, бунинг қанчалик аҳамияти бор?

- Сўзимни сал узоқроқдан бошлайман. 2020 йилда юртимиздаги санокли йирик корхоналар қаторида «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти, шундан сўнг бизнинг ҳам заводида коррупцияга қарши курашиш йўналишида комплаенс-назорат хизмати татбиқ этилди. Ўтган вақтда англадикки, бу хизматнинг йўлга қўйилгани корхона учун ҳар томонлама фойдали бўлмоқда. Корхонамизда комплаенс-назорат тизими раҳбари тўғридан-тўғри Кузатув кенгашига бўйсунди. Уларнинг иш кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, хомашё ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш жараёнидан бошлаб, давлат харидлари, молиявий хавфларни аниқлаш, уларнинг олдини

олиш, логистика ва бошқа соҳалар бўйича иш олиб боради. Муаммоларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, ўз ҳулосаларини беради. Чунки хавф олдиндан аниқланмаса ва барвақт бартараф этилмаса, корхона, умуман, тизим учун салбий оқибатларга олиб келиши тайин.

Комплаенс-назорат хизмати эришилган ютуқлар, тежаб қолинган маблағлар ва корхонамизнинг молиявий кўрсаткичларида ўз аксини топган бўлса, фаолиятимиздаги очиқлик ва шаффофлик жамоадаги мухит яхшиланишига олиб келди. Бунинг натижасида жамоавий ҳамжиҳатлик мустаҳкамланди, ишга, касбга эътибор ва иштиёқ кучайди. Шу сабаб ишчи-ҳодимни ишга олишда ҳам ушбу бўлимнинг ҳулосаси муҳим аҳамият касб этади.

- Манфаатлар тўқнашуви ҳар қандай тартиб тизими бор жойда юзага келиши мумкин. Завод жуда катта, харидлар ҳажми ҳам шунга яраша бўлиши турган гап. Қайси масалаларда манфаатлар тўқнашуви юзага келиши эҳтимоли кўп ва қандай қилиб уларнинг олди олинмоқда?

- Ғувоҳи бўлганингиздек, бизда ички назорат тизими - комплаенс ташкилий тузилмаси тўлиқ, барча жабҳада ишлайди. Бундан мақсад корхона фаолиятида ўзаро таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчилик, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиқдир. Ходимлар билан комплаенс-назорат хизмати ўртасида чегара йўқ. Чунки комплаенс хизмати корхонанинг жазоловчи, тақиб қилувчи таркибий бўлинмаси эмас, балки «Ўзавтосаноат» АЖнинг Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти билан бир мақсад - хавф-хатарнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш йўлида фаолият кўрсатувчи хизматдир.

Коррупция омилли нафақат корхона ёки автомобилсозлик соҳаси, балки бутун мамлакат инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир қилади. Хорижий инвестиция компаниялари ўзларига бизнес ҳамкор таллаётганларида корхонада том маънодаги комплаенс-назорат тизимининг мавжудлиги ёки йўқлигига жиддий мезон сифатида қарайди. Шу боис корхонада Комплаенс хизмати ҳақидаги алоҳида низоми ишлаб чиқилган. Унда ҳуқуқбузарлик томонга қадм ташламаслик, терроризмни молиялаштиришга, манфаатлар тўқнашувларига қарши саъй-ҳаракатлар ва бошқа муҳим омиллардан келадиган хавф, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чоралари белгилаб берилган.

Манфаатлар тўқнашуви давлат харидлари, тендерларда, хомашё ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишда учраши мумкин. Харидлар бўлими томонидан амалга ошириладиган ҳар бир шартнома ички аудит нозоратидан ҳам, комплаенс хизмати нозоратидан ҳам ўтказилади. Ходимлар бирор тендер шартномасини ўрганиш жараёнида хавф сезишса, даров олдими қиришади «Мана бу тендерда катнашаётган иккита фирма аффилиланган экан, ота-бола ёки ака-ука қариндошларга тегишли экан», деб. Биргаликда дарров ҳолатни ўрганиб, бундай фирма эгаларига тендерда катнашиш тартиб-қоидаларни тушунтирамиз ва четлаштирамиз. Бир сафар Харидлар бўлимида ишлайдиган ходим заводга зарур бўлган бир товар сотиб олиш жараёнида ўз аксининг фирмаси маҳсулотларини «ўтказмоқчи» бўлган. Комплаенс хизмати томонидан бу ўз вақтида аниқланиб, ноқонуний савдонинг олди олинган. Қолаверса, ўша ходимимизни ҳам ишдан бўшатганмиз, фирмани ҳам тендердан четлатганмиз. Сабаби, ходим манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш билан бирга, сотиб олинаётган маҳсулотнинг нархини асл баҳосидан ошириб кўрсатган. Агар бу шартнома кейинги жараёнга ўтиб кетганда заводимизга моддий томондан зарар келтирган бўларди.

Бу каби ҳолатлар, ҳам бўлса-да, учраб туради. Комплаенс нозорати хизмати ходимлар шартномани ўрганмагунча харидларни амалга оширмаймиз.

- Бўлим яна қайси йўналишларда ишлайди?

Саволимиздан кейин Саидазим Ғуломов «Уларнинг фаолияти ҳақида ўзларидан ҳам эшитинг», дея бизни Комплаенс-назорат хизмати бўлимига бошлаб борди. У ерда бўлим бошлиғи Дилшод Саидмуродов ва бўлим менежери Мирлазиз Мирвосиқий билан мулоқот қилдик.

- Фаолият йўналишларимиз кўп, - дея юқоридаги саволимизга жавоб берди Дилшод Саидмуродов. - Жумладан, ходимларни ишга олиш жараёнидан тортиб, ходимлар билан ишлаш, харидлар жараёнидаги шаффофликни нозорат қилиш, коррупцияга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш... Ишга кирган ҳар бир ходим манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳақидаги декларацияни тўлдирди. Бу ҳужжатга яқин қариндошлари қаерда ишлаши ҳақидаги ва бошқа муҳим маълумотлар киритилади. Масалан, ишчи-ҳодим бирор хусусий ишлаб чиқариш корхона эгаси бўлса, албатта, декларацияда бунга кўрсатиши керак. Чунки эртага завод билан ўша корхона ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келмаслиги учун, биз бундан хабардор бўлишимиз зарур. Бундан ташқари, декларацияда ходимлар бизнинг заводимизга ўхшаган корхоналарда бошқа яқин таниши ёки дўстлари ишлайётган бўлса, у ҳақдаги маълумотларини ҳам киритиши лозим. Чунки корхонамизга тегишли маълумотлар бизнинг заводга ўхшаган бошқа завод ёки корхоналарга тарқаб кетмаслиги керак.

Қолаверса, ҳар ҳафта ходимлар учун коррупциядан узоқ юриш, қандай хатти-ҳаракатлар коррупция аломати бўлиши мумкинлиги, соғва-салом бериш ва олишнинг аҳамияти каби мавзуларда ўқув семинари ўтказамиз. Унда ишчи-ҳодимлар навбат билан қатнашадилар. Ҳар йили 9 декабрь - Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунига заводимизда очик эшиклар тадбири ташкил этилади. Унда олий таълим муассасалари талабалари, атрофимиздаги маҳаллаларда яшовчи юртдошларимиз иштирок этадилар. Уларга ҳам коррупциянинг ривожланишига зарари ҳақида тушунчалар берамиз. Корхонамиздаги иш жараёни билан яқиндан таништирамиз. Шу тариха ходимларнинг ҳам, ҳудудимизга яқин маҳалла аҳлининг ҳам коррупцияга муроасизлигини ошириб боришга, бу борадаги билим ва тушунчаларини кенгайтиришга ҳаракат қиламиз.

- Ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотнинг сифатли тайёрланиши қанчалик нозорат қилинади?

- Албатта, бу муҳим ҳусусият, - дейди бўлим менежери Мирлазиз Мирвосиқий. - Биринчидан, бизда икки хил кўринишдаги иш тартиби бор. Биринчиси - офис ходимлари. Улар орасида 3-4 нафар раҳбар ходим ва бухгалтерия бўлими алоҳида хоналарда, қолганлари очик майдонда ўтиради. Ким ишга қачон келаётгани, нима иш билан машғуллиги кўриниб туради ва интизомни бузган ходимларга белгиланган тартибда чора қўрилади. Аслида ҳамма интизомга яхши ўрганиб кетган, бу борада муаммо бўлмади. Иккинчи кўринишдаги жамоамиз - бу ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этадиган ишчи-ҳодимлар. Улар навбатчилик асосида ишлайди. Чунки заводда иш 24 соат мобайнида давом этади. Аввало, ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилаётган ходим ишга киришдан олдин бажарадиган вазифалари бўйича ўқитиб-ўргатилади. Чунки заводимиз стандартлари бўйича шиналарнинг қисмларини қотириш, деталларни тўплаш каби ишлар ҳеч қаерда ўргатилмайдими. Масалан, ичкарида, албатта, махсус кўзойнак тақилади. Олдий шина йиғишининг ҳам ўзига яраша қоидалари бор, белга оғирлик туширмасдан ишлаш мумкин. Айримлар ишга киришдан олдинги имтиҳон жараёнидаёқ белгиланган тартибга тоқатсизлигини кўрсатади. Биз бундай ходимлар билан бошидаёқ хайрлашамиз. Чунки ҳозир тартибга мослашишга тоқати бўлмаётган ишчининг хатти-ҳаракати қачондир панд беради. Ишлаб чиқариш жараёнида риоя қилинмаган ҳар бир қоида сифатга таъсир кўрсатиши мумкин.

Қолаверса, ҳар бир маҳсулотнинг, у катта

техниками ёки кичик майда деталми, рақами бўлиб, қайси навбатчилик қисмида, қайси босқичда, қайси ишчининг қўлидан ўтганини билиб олиш мумкин. Агар ходим қайсидир двигателнинг детал қисмига эринганидан, белгиланган нормадан кам ишлов берса ёки қуюв цехидан белгиланган вақтдан олдин олиб чиқса, бу двигатель сифатига таъсир қилади. Бундай хатога йўл қўйган ходим, агар ўз вақтида хатосини тан олиб, бўлим раҳбарига маълум қилса, хатонинг асорати тезда бартараф этилади. Деталлар кейинги жараёнга ўтиб кетмасдан, мусодара қилинади. Агар хатосини ўз вақтида айтмаса, эртага майда деталь бошқа қисмларга ўрнатилганда унинг зарари кўпроқ бўлади ва ходимнинг хатоси кечирилмайдими. Бундай ҳолатларда унга нисбатан чора қўрилади. Чунки сўнгги синов босқичларида ҳар бир деталнинг камчилиги билинади ва ким, қайси босқичда хатога йўл қўйгани маълум бўлади. Албатта, бундай ҳолатлар жуда кам бўлади. Шундай бўлса-да, биз ҳар ҳафта бўладиган ўқув семинарларда ходимларга ўз ишини сифатли бажариши ва бунинг аксини қилиши ўзи ва завод келажаги учун қанчалик таъсир кўрсатишини тушунтирамиз. Яна бир жиҳат, ишлаб чиқаришда иштирок этадиган ходимлар тез-тез ротация қилинади. Бундан мақсад, ишчиларнинг фақат бир вазифани бажаришга ўрганиб қолиши ёки нисбатан оғирлик ишларда узоқ вақт ишлаши саломатлигига салбий таъсир қилиши олдини олишдир.

- Демак, ишчи-ҳодимлар вазифасини сидқидилдан ва масъулият билан бажариши учун талаб кучли экан, бу жуда яхши. Ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам ана шу талабга яраша ташкил этилганми?

- Бир нарсани раҳбар сифатида таъкидлашни истардим, - деди Саидазим Ғуломов. - Агар ходим ўз ишхонасида меҳнатига яраша шaroитда ишласа, муносиб рағбат ва иш ҳақи олса, у коррупциядан анча узоқда юради.

Заводимизда меҳнат таътилига чиқаётган ходимларнинг таътил пули олдиндан алоҳида пластик қарточкасига тушириб берилади. Байрамларда байрам пули, ҳар ойда иш самарадорлигига қараб, мошмига қўшимча тарзда рағбатлантириш пуллари олади. Бундан ташқари, бир йилда икки марта моддий кўринишда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатамиз.

Миллий байрамларимизни ҳам, албатта, жамоамиз билан нишонлаймиз. Касаба уюшмаси томонидан муҳим саналарга бағишланган турли тадбирлар уюштирилади. Уларга ишчиларнинг ойда аъзолари, фарзандлари ҳам келишади. Ўзимизнинг спорт майдончаларимизда ходимлар баскетбол, волейбол, футбол ўйнашлари учун шaroит яратилган. Навбатчилик қисмидан чиққан ходимлар ўзаро келишган ҳолда хоҳлаган спорт тури билан шуғулланишади, кўпинча футбол ўйнашади. Энг сара ўйинчилардан иборат футбол жамоамиз ҳам бор. Улар «Ўзавтосаноат» тизимидаги ташкилотлар ўртасида бўладиган мусобақаларда ишхонамиз шаънини ҳимоя қилишади.

Хўш, жамоамизда яхши меҳнат қилган одам ҳам бўлмайди. Ишга талабгорлар орасида кўпчилиги, шу ерда ишлайётган яқини ёки танишининг тавсияси билан ишга кирмоқчи бўлганини айтади. Биз бундан хурсанд бўламиз. Демак, яратилган шaroит, маош ва рағбатлантиришлар ходимларимиз учун манзур ва маъқул бўлаётган эканки, улар бошқа танишларига ҳам бу ерда ишлашни тавсия қилади. Тегишли синовларимиздан муваффақиятли ўтган тақдирдагина, биз уларни сафимизга қабул қиламиз. Келгусида ҳам ана шу тартиб-интизом ва яхши анъаналаримизга содиқ қоламиз. Соҳамизни коррупциядан холи тизимга айлантириш йўлида барча имкониятларни ишга соламиз.

«ISHONCH» мухбири
Зебо НАМЗООВА
суҳбатлашди

Реклама ҳуқуқи асосида



UZTELECOM

8 dekabr –

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni

bilan barcha yurtdoshlarimizni
samimiy muborakbod etadi!
Bayram munosabati ila
hammaga sihat-salomatlik,
xonadonlariga tinchlik-
xotirjamlik, fayzu
baraka tilaydi.
Yurtimiz tinch, osmoni-
miz musaffo, xalqimiz
omon bo'lsin!



UZTELECOM

BAYRAMONA

UZTELECOMdan sovg'alar bilan bayramona kayfiyat!
Yangi yil uchun muloqotlaringizni ikki karra oshiramiz!

25 000 so'mlik ta'rifga ulaning va quyidagilarga ega bo'ling:
– 10 GB Internet + 500 daqiqa
– 10 GB Internetga ega ikkinchi SIM karta + 500 daqiqa BEPUL!

«BAYRAMONA» ta'rifida Sizni quyidagi bonuslar kutmoqda:
Unlim Musiqa – Spotify, Apple Music, Yandex Musiqa orqali xitlarni trafik sarflamasdan tinglang;
Filmlar – Wink, Megogo Yangi yil kinoteatrlari;
Taronalar – MyHit bilan gudok o'rninga Yangi yil musiqalari;
Kitoblar – Litresda bayramona audiokitoblar.

O'z vaqtida to'lovni amalga oshirganda, 2-3-oy uchun 10 GB bonusli trafik taqdim etiladi.

«BAYRAMONA» bilan Yangi yil kayfiyatini sovg'a qiling! Aksiya 31.12.2024 gacha amal qiladi.

UZTELECOM - doimo Sizga yaqin bo'lgan operator!

20 GB
25 000 so'mga



Reklama



Президентимизнинг Сурхондарёга ташрифи чоғида мутасаддилар зиммасига 2024 йилда вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш «менторлик» тизимини йўлга қўйиш, бу борада Япония тажрибасини амалиётга жорий этиш вазифаси юклатилган эди. Хусусан, халқроқ ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда ривожланиш салоҳиятига эга тадбиркорлар фаолиятига кўмаклашиш ва ҳамроҳлик қилиш бўйича менторлар ёки етакчи тадбиркорлар гуруҳини шакллантириш, йил якунига қадар 24 та менторлар фаолиятини йўлга қўйиш топшириғи берилган эди.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил март ойида Бизнесни ривожлантириш банки, жамғарма ҳамда Ямағата университети ўқув маркази томонидан шартномалар тузилган. Шунга кўра, уч босқичли жараёнлар амалга оширилди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган «Бизнесни ривожлантириш банкнинг тадбиркорликка ўқитиш лойиҳалари» мавзусидаги матбуот анжуманида бу ҳақда батафсил маълумот берилди. Унда банк бошқаруви раҳбарияти, таркибий тузилмалар масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Таъкидландики, шартномага кўра, Ямагата университетининг 10 нафардан зиёд профессори томонидан 17 турдаги видеоматериал, 16 турдаги тақдимот ва 50 та тест саволидан иборат дастурлар ишлаб чиқилган.

Япониялик профессорлар худудларда бўлиб, тadbirkorлар билан учрашишди. 150 нафар фаол тadbirkor билан Япониянинг «u-hore» дастури асосида ўқув курслари ташкил этилди. Шу жараёнда Ямагата университетининг про-

фессорлари томонидан тайёрланган 10 турдаги видеоролик шаклидаги дарслик ҳамда 6 турдаги «кейс амалиёт»лари тақдим этилди.

Бугунги кунда ўқув дастурига

11 000

нафардан зиёд тадбиркор қизиқиш
билдириб,

2 000

нафардан зиёди ўқув жараёнларида қатнашмоқда. Шу вақтга қадар

500

нафарга яқин тадбиркор сертифици-
кат эгаларига айланишди.

Мутахассислар ўқув дастурлари жараёнида муваффақиятли қатнашган тингловчилардан 24 нафар менторни саралаб олишди.

Улар дастлаб юртимизда, кейин эса Японияда ўз малакасини ошириб, халқаро сертификатга эга бўлишди.

Ўтган ойдан эътиборан барча ҳудудларда тренерларни ўқитиш бошлаб юборилди. Жараёнлар offline ва online шаклда амала оширилмоқда. Албатта, бу соҳада менторлар ва тренерлар томонидан келгусида ишлар давом эттирилиши, тадбиркорларнинг ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, кенгайтирилган аудиторияларда ўқишларини таъкил этиш режалаштирилган.

Кайд этилшича, япон мутахассислари тadbirkorлар билан мулоқотда фаолиятидаги камчиликлар, менталитет масаласи, уларни ўзгартириш кераклигига алоҳида ургу бермоқда. Чунки бизнинг вақт ва пул масаласига карашимиз ривожланган мамлакатлардаги тadbirkorларникидан анча фарк қилади. Вақтга пул сифатида қаралади. Аксинча, вақтга умрингн бир қисми сифатида қараш, уни тўри тақсимлаш керак. Устувор масалаларни олдинги ўринга қўйишни билмаслик эса чиройли бошланган бизнеснинг кўнгилдагидек давом этишига шубҳа туғдиради. Шу боис кичик тadbirkorликлар тез очилади-ю, уч йил ичида епили кетади.

Профессор Шинжи Омата журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Япония Иккинчи жаҳон урушидан кейин жуда катта муаммоларга дуч келгани, бунда нафақат давлат, балки халқнинг ўзи ҳам мамлакатни қандай қилиб оёққа турғизиш, ҳеч бўлмаганда, урушгача бўлган ҳолатига қайтариш

ҳақида қайғургани тўғрисида батафсил тўх-
талди.

Узбекистонда ҳам бу жихатга ўхшашлик бор, - деди профессор. - У мустақилликка эришгандан сўнг худди Япония каби ҳамма нарсани нолдан бошлашига тўғри келди. Абатта, вазиятлар, воқеялар турлича бўлиши мумкин, лекин бу икки мамлакатнинг ишчи эр аввалидан бошлагани бир хил. Ва Ўзбекистоннинг ҳам, Япониянинг ҳам олдига ўша вақтларда халқ қандай қилиб бу кийинчиликлардан чиқадиган, шу билан бирга иқтисодийetten қандай ривожлантирадиган, деган саволлар турар эди. Қисқа қилиб айтдиган бўлсам, японлар каби ўзбеклар ҳам ҳар бир муаммага муаммо сифатида эмас, уни қандай қилиб бизнесга айлантириши мумкинлиги ҳақида ўйлашни бошлаسا, тадбиркорлик ҳам, кичик-бизнес ҳам ривожланади.

**Дарвоқе, тадбирда Шинжи ОМАТА
яна бир муҳим фикрни айтди:**

– Таъдбиркорликни ривожлантиришнинг асосий тотализаторларидан бири бу бозор шаклланиганда ўз бизнесини шакллантириши ҳисобланади. Ҳозирги кунда Тошкент мисолида айтилган бўлсак, рақобат жудаам катта. Бир хил бизнесни яратётганлар кўп. Анқарият ўзбек таъдбиркорлари режа тузётганда рақобат эътибор қаратайди. Қолбуки, улар ҳар қандай тавоқаллик бўйиғига олишиб ва рақобатбардори стратегия яратиши аини мудоао ҳисобланади.

Афсуски, бозорда уз мад улолтинин рақобатчилари кимлар экани, қандай махсулотлар сотилаётгани, узининг махсулотидан нимаси билан ажралиб туриши ҳақида уларда аниқ тасаввур бўлмаганди. Шунга таҳлил қилиб, дискла-рини рақамларга кўрсатадиган бўлишса, ўша рақобатчи билан ҳамкорликда янги махсулотни ишлаб чиқариб, рақо-батчи билан дўстлашган ҳолда бизнесни йўлга қўйиши ургатса, тадбирдорликни янада ривожлантириш, яъни компаниясиз тез дўстларга ёпилиб кетмаслиги учун имкон яратди. Биз лойиҳа доирасида айнан шун маумаларга эътибор қаратган ҳолда, семиналар давомига тўғридан-тўғри йўналиш йўналиш тажрибасидан келиб чиқиб, уларга кўмак-лашмадик. Албатта, бу ишлар уз самарасини беришига шубҳа йўқ.

**Гулрухбегим
ОДАШБОЕВА**
«ISHONCH»



Фарғоналик М.Йўлчи-боеванинг турмуши ўхшамади. Эри билан ажрашди. Бир нафар фарзанди билан ёлғиз яшай бошлади. Ишсиз юрган кунларининг бирида Туркияга бориб, пул топишни мақсад қилди ва Қирғиз Республикаси орқали кўзлаган манзилига чиқиб кетди. Лекин ҳар ернинг ўз тошу-тарозиси бор – Туркияда уни шоҳона ҳаёт кутаётгани йўқ эди.

ҚАНДАЙ КИТОБ КЎТАРИБ ЮРИБСИЗ?

Хусусан, ҳеч қандай ҳужжатсиз юриши узокқа чўзилмади. Туркия полицияси уни ушлаб олиб, мамлакатимизга депорт қилди. «Истанбул – Тошкент» йўналиши бўйича учиб келган М.Йўлчибоевани тезкор ходимлар қарши олишди. Назорат чоғида унинг ёнидан «Tevhid», «Sabir ata nasil» ва араб имлосида чоп этилган диний мазмундаги китоб ҳамда қандайдир сўзлар ёзилган дафтар ва ва рақлар топилди.

Бу ҳам этмагандек, ИИБ ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмади. Шундан сўнг унга нисбатан тегишли тартибда чора кўрилди. Яъни жиноят ишлари бўйича Учқўприк тумани судининг қарори билан 15 сутка қамоқ жазоси тайинланди.

Умирбек ЁКУБОВ,
Тошкент шаҳри аэропортларида
Хавфсизликни таъминлаш бошқармасининг
Тезкор қидирув бўлими
Терроризмга қарши курашиш гуруҳи
катта тезкор вакили,
подполковник

«Ўқийман, ўрганаман» деган одамга ўзимизда ҳам китоблар кўп. Аммо одамлар қандайдир юмуш билан бошқа давлатга борса, гарчи бунга ақли етмаса-да, ўзи билан таққиланган ёки мумкин бўлмаган адабиётларни олиб келишади. Фаолиятимиз мобайнида биз бунга кўп бор гувоҳ бўляпмиз.

А.Азимов олий маълумотли, яхши бир корхонанинг масъул ходими бўлишига қарамай, ана шундай ишга қўл урди. Гап шундаки, у шу йил Мисрға борди. Қайтишида ўзи билан, оз эмас-кўп эмас, араб алифбосида чоп этилган 108 та адабиётни олиб кирмоқчи бўлди. Назорат чоғида ушбу китобларни А.Азимов мамлакатимизга ноқонуний йўллар билан, яъни божхона декларациясини расмийлаштиришдан олиб ўтмоқчи бўлаётгани ойдинлашди.

Унга нисбатан қонунда белгиланган тартибда иш кўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Сергели тумани судининг тегишли қарори билан фуқарога базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баробарига тенг жарима жазоси тайинланди.

Шохрух ЖУМАОБОВ,
Тошкент шаҳри аэропортларида
Хавфсизликни таъминлаш бошқармасининг
Тезкор қидирув бўлими
Терроризмга қарши курашиш гуруҳи
катта тезкор вакили,
лейтенант

Маънавият ва жанговар салоҳият – ҲАРБИЙЛАРНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

Конституция байрами арафасида пойтахтимизнинг Олмасор туманидаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ёнида Мудофаа вазирлигига қарашли Маънавият ва маданият департаменти биноси фойдаланишга топширилди.

Тадбирда Президент маслаҳатчиси-спичрайтер Хайридин Султонов, Мудофаа вазири Шухрат Холмухаммедов, Маданият вазири Озодбек Назарбеков, сенаторлар, депутатлар, маданият муассасалари раҳбарлари, ёзувчи ва шоирлар иштирок этдилар.

Дастлаб меҳмонлар замонавий, барча шароитларга ога янги маънавият ва маданият масканини кўздан кечиришди. Ҳарбийлар нафақат жанговарлиги жиҳатидан салоҳиятли бўлиши, балки дунёқараши кенг, маданият ва санъатдан ҳам хабардор бўлиши зарурлиги таъкидланди. Маскан айнан ана шунга хизмат қилиши лозимлиги айтилди.

Шундан сўнг бионининг катта маданий тадбирлар залида «Ҳарбий хизматчиларда юксак ватанпарварлик, юртга фидоийлик сифатларини юксалтиришда маданият ва санъатнинг ўрни» мавзусидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, дунёда

зиддиятли ва таҳликали, кескин тўқнашувлар кетмоқда. Бу бизнинг юртимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шу боис, бугун барчамиз, кимлигимиз, қайси соҳа вакили эканимиздан қатъи назар, Ватан ҳимоячисимиз. Юртимизнинг тинчлигига нафақат ҳарбийлар жон қуйдириши, балки ҳар бир ота-она ва ёшларимиз ҳам ўзини масъул деб билмоғи керак. Бунинг учун турли хурофий тушунчалардан, радикализмдан узоқ бўлиб, юртимизда, аввало, илм-фан, дунёвий билимларни ривожлантиришга хизмат қилишимиз лозим.

Тадбирда Президентимиз ташаббуси билан қурилган ушбу маскандаги маданий тадбирлар нафақат ҳарбийларнинг жанговар кайфиятини кўтариши, балки Олмасор тумани ахлининг ватанпарварлигини оширишга ҳам хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



ПЕДАГОГЛАР ҲУЗУРИДА

Олмасор туманидаги 24-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда туман мактабгача ва мактаб таълими ходимлари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари, кадрлар менежерлари, лицейлар, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги марказларнинг бошланғич касба уюшма раислари иштирок этди.

Тадбирда Олмасор тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Рустам Айдинов ҳамда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Олмасор тумани кенгаши раиси

Нигора Шагазатова иштирокчиларни байрам билан табриклаб, Конституцияга қиритилгени катта ўқитувчилар юртимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишига хизмат қилаётганини таъкидлашди.

Тадбирда ҳуқуқшунослар меҳмон ва эксперт сифатида таклиф этилган бўлиб, улар янгиланган Конституцияда яхтимой масалаларга алоҳида эътибор берилгани, таълим тизимидаги ислохотлар ҳамда

педагогларнинг мақоми оширилганини қайд этишди. Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси Мухаммадин Каримжонов ҳамда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши юрисконсулти Азиза Умаралиева меҳнат қончилигидаги янгиланишларни амалий мисоллар билан тушунтириб берди.

Феруза РАХИМОВА
«ISHONCH»



ЭЗГУ ҒОЯЛАР АКС ЭТГАН ҚОМУС

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан жорий йилнинг 6 декабрь кунин «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонасида «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – эркин ва фаровон ҳаёт гарови» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир асоси қасаба уюшмаси бош юрисконсулти Лолаҳон Нишоновна сўзга чиқиб, янгиланган Конституциянинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда аҳамиятига алоҳида тўхтади.

Қайд этилганидек, Бош қомусимизда белгиланган ҳалқ ҳокимиятчилиги, инсон кадри, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик каби эзгу ғоялар меҳнатқашларни ўзаро бирлаштирамоқда.

Ийгилиш давомида иштирокчиларга «Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасидаги ислохотлар хақида ҳам маълумот берилди.

Мазкур тадбир ишчи-ҳодимлар ўртасида ҳуқуқий билимларни ошириши ва миллий қонунчиликка нисбатан ҳурмат уйғотиши, шубҳасиз.

Эъзола УМРЗОҚОВА
«ISHONCH»

ОЛДИМИЗДА ҚИШ ТУРИБДИ... ИС ГАЗИДАН ЭХТИЁТ БЎЛАЙЛИК!

Ис гази билан боғлиқ ҳолатлар фуқаролар унинг хавфли эканини тўла-тўқис хис этмаслиги, тарғибот-ташвиқот ишларига ишонмаслиги натижасида, шунингдек, но-стандарт, қўлбола, хавфсизлик талабларига мутлақо жавоб бермайдиган носоз жиҳозлардан фойдаланиш оқибатида юзага келмоқда. Хуллас, олдимизда қиш турибди. Шундай экан, юқоридаги каби ҳалокатларнинг олдини олиш учун газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилишимиз керак. Хусусан:

- лойҳадаги газ ускуна – жиҳозларини ўзбошимчилик билан тушуинмасдан таъмирлашмаслик, алмаштирмаслик ва бошқа жойга кўчирмаслик;
- хавфсизлик автоматикаси бўлмаган ёки носоз бўлган ёндиргич ва жиҳозлардан фойдаланмаслик;
- дуборонлар ҳамда шамоллатиш тизимларининг соғлигини доимий кузатиб, текшириб бориш;
- газ ускуна ва жиҳозларни ёниб турган хонага албатта ташқаридан хаво кириши учун жой қолдириш;
- газ плитасидан хонани иситиш мақсадида фойдаланмаслик, узлуксиз газ ёниб турган хонада ухламаслик, дам олмаслик;
- хонада газ ҳиди сезилганда чирокки ёқмасдан, ошпик деразаларни очиб, газ жўмрағини ёниб газ таъминоти корхонасига мурожаат қилиш;
- газ чиқаётган жойни аниқлаш учун оловдан фойдаланмаслик лозим.

Газ билан боғлиқ ҳолатлар бўйича 1104 қиска рақамли телефони ҳамда «Xavfsiz gaz» telegram гуруҳлари орқали мурожаат қилиш мумкин.

А.АШИРОВ
Президент Администрацияси биносида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш 1-бўлимга бошлиғи, капитан

Дилмун хун, қирмизи юзлардан қўрқдим
Бирга юз макрини гизлардан қўрқдим.
Одамлар қўрқарлар ёмон кўзлардан
Мен эсам шу яхши кўзлардан қўрқдим.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан 2021 йил 17 декабрда Мусаева Муниса-хон Юсупходжаевна номига берилган №403680 рақамли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.	Янгийўл туманидаги «MUXAMADALI BARAKA ZIYOSI» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.
Янгийўл шаҳридаги «MIRASADOVA SAODAT RUSTAM QIZI» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.	

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхiriya-ti jamoasi «Ishonch-Doverie» gazetasi sahifalovchisi Vitaliy Shevninga onasi **Светлана Владимировна ШЕВНИНА** вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бобомурод Ҳамдамов ижросида
«Қўрқдим» қўшиғи
Омон Матжон шеъри

MYACCCIS: 
ISSN 2010-5009
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхiriya-ti jamoasi **Qudratilla RAFIQOV** (taхiriir hayoti raisi), **Ulug'bek JALMENOV**, **Anvar ABDUMUXTOROV**, **Sayfullo AHMEDOV**, **Akmal SAIDOV**, **Ravshan BEDILOV**, **Qutlimurot SOBIROV**, **Shurob RAFIQOV**, **Shoqosim SHOISLOMOV**, **Hamidulla PIRIMQULOV**, **Nodira G'OYIBNAZAROVA**, **Anvar QULMURDOV** (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), **Mehridin SHUKUROV** (Mas'ul kotib – «Ishonch»), **Valentina MARSEN'YAK** (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doeepue») Bosh muharrir **Husan ERMATOV**

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlari:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri taхiriyyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Haydardov

Musahhih:
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 00:40
Toshgahil – 01:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.


Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 010 ta
Shundan: 7 128 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ boshmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ boshmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq. Buyurtma G-1211

1 2 3 4 5 6

Азиз газетчон!
Мароқли дам олинг!



Дилмун хун, қирмизи юзлардан қўрқдим
Бирга юз макрини гизлардан қўрқдим.
Одамлар қўрқарлар ёмон кўзлардан
Мен эсам шу яхши кўзлардан қўрқдим.